

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги «Dedeman» меҳмонхонасида республика Савдо-саноат палатаси, БМТнинг Ривожлантириш дастури — «Ўзбекистонда бизнес-форум» лойиҳаси асосида бир қатор вазирлик ҳамда идоралар кўмағида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгашининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ФМДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ФМДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашлари котиблари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

• Андижон вилоятида 2008 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси мазмун-моҳиятини тушунириш ва ижросини изчил таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

• Ўзбекистонлик Жаҳонгир Низомқориев Польшада ўтказилган «Болалар ижодиёти» биринчи халқаро танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

• Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилган ва 45 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари ортлган «ЭКОСАН» «Саломатлик» поездеи Хоразмга келди. Болалар учун мўлжалланган анжомлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, шунингдек, Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи, Мурувват уйи, оилавий болалар уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига топширилади.

• Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқаро Меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида Тошкент вилояти Маънавият тарғибот марказида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

• Қибрайлик тадбиркор Хайитбой Ориповнинг саяёҳаракати билан Байтўрғон қишлоғида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сакловчи ва қайта ишловчи минитехнология ишга туширилди. Унинг ёрдамида махсус омборхонада бир вақтнинг ўзида 80 тонна маҳсулотни сифатига путур етказмай сақлаш мумкин.

• Пахтакор ва Галлаорол туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларига Япония ҳукуматининг имтиёзли маблағлари эвазига келтирилган замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди бошланди.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқига кировчи 27 давлат ташқи ишлар вазирлари Брюсселда учрашди. Унда Косовонинг келажақдаги мақоми ва худудга иттифоқнинг фуқаро-полиция миссиясини юбориш масаласи кўрилди. Шунингдек, вазирлар Жанубий Болкондаги давлатлар, Эроннинг ядровий дастури, Покистон, Ливан, Кения, Чаддаги вазиятни муҳокама қилди.

• Италия Бош вазири Романо Проди мамлакат Президенти Жоржо Наполитаного ҳукумат истеъфога чиққанини расман билдирди.

• Кеча Приморье ўлкасининг биринчи вице-губернатори Сергей Собчук ҳаётига суиқасд уюштирилди. Унинг машинасига қилинган қуроли ҳужум натижасида икки еридан жароҳатланган Собчук касалхонага ётқизилди. Ушбу жиноят муносабати билан шаҳарда «Қўлга олиш» операцияси амалга оширилмоқда.

• Кеча Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги қишлоқлардан бирида бир гуруҳ жангарилар бир неча соатга мактабдаги 200 дан ортиқ болани гаровга олишди. Ҳарбийларнинг саяёҳаракати билан тез орада жангарилар қўлга олинди, ўқувчилардан ҳеч бири жабрлангани йўқ.

• Кеча «Протон-М» ракета ташувчиси «Экспресс-АМ33» (Россия) сунъий йўлдоши билан бирга Бойкўнгир космодромидан парвоз қилди. Сунъий йўлдошининг массаси 2600 килограмм атрофида бўлиб, ундан ўн икки йил давомида фойдаланиш мумкин. Айни чоғда Орбитада «Экспресс» туркумидаги еттига сунъий йўлдош ишлаб турибди.

• Польша божхоначиларининг иш ташлашлари муносабати билан ушбу қорли кунларда Польша ва Белорусия чегарасида бутун Европа бўйлаб ҳаракатланаётган 1800 дан ортиқ юк машиналари туриб қолди. Бу ерга ҳатто мамлакат Бош вазири Дональд Тускнинг келиб музокаралар ўтказиши ҳам масалани ҳал қилмади.

• Хитойда бир неча кундан буён тинмай ёғайтган қор катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, жойларда поездлар қатнови тўхтади, мамлакат пойтахти Пекинда юздан ортиқ авиарейслар бекор қилинди. Мутахассислар сўнги 50 йил ичида мамлакатда бундай совуқ қиш бўлмаганини таъкидлашмоқда.

• Кеча Италияда машҳур Венеция карнавали бошланди. Карнавалнинг асосий тадбирлари шаҳар марказидаги Сан-Марко майдонида бўлиб ўтмоқда.



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (11.080)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Кеча сатрларда

• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида 5-музыка мактаби ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танлов «Барҳайт наволар» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДА** ўтказилган миллий чолғу асбоблари кўргазмасида Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқариш экспериментал лабораториясида тайёрланган музыка асбоблари намойиш этилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Футбол федерациясида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси ва мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбир терма жамоанинг жорий йил 6 февралдан бошланадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирига тайёргарлиги масалаларига бағишланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 24 ёшли ёш ўқитувчиси Мурод Мирзошарипов номзодлик диссертациясини ёқлаганлиги олий ўқув юрти йиғилишида маълум қилинди.

• **«КЕЛАЖАК ОВОЗИ»** Ёшлар ташаббуслари маркази ташаббуси билан киносценарий ёзувчи ижодкорлар ўртасида кўрик-танлов Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилди. Мазкур танловнинг ғолиблари ЭРТАГА аниқланади.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан шу соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан)

МУСИҚА ҲАР ҚАНДАЙ КИШИНИ СЕҲРЛАБ ҚҮЙИШ ҚУДРАТИГА ЭГА. УШБУ САНЪАТ ТУРИНИНГ ШАРҚДА ҲАМ МАЪНАВИЙ ПОКЛАНИШ МАНБАИ СИФАТИДА ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛИНИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. ФОРОВИЙ ВА ИБН СИНОНИНГ, МУСИҚА ҚАЛБНИНГ ТУБ-ТУБИДАГИ ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ ВА ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА МУКАММАЛЛАШТИРАДИ, ДЕГАН ҚАРАШЛАРИДА БИР ОЛАМ МАЪНО БОР.

Ҳозирги замонда ҳаётимизни куй-қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Моҳир созанда ижросидаги танбурнинг бетакрор оҳанги ёки бой ижрочилик аъналарига эга мақом санъатининг жоибасини сўз билан ифода қилиш қийин. Уларнинг тинглар экансан, музыка абадий кучга эга экани ва у ҳар қандай қалбни чулғаб олишини ҳис этасан. Куй-қўшиқнинг инсонлар маънавий дунёсига ўзгача таъбир кўрсатиши сабабли ихтисослашган музыка муассасаларида ёш истеъдод соҳибларини тарбиялаш муҳим масала ҳисобланади. Негаки, ёшларнинг санъатнинг сеҳрли дунёсига сари йўли айнан шундай муассасалардан бошланади — саҳна ва ижода ўз умрини бағишлайдиган ижрочилар, дирижёрлар, бастакорлар ва таъкидчилар ана шу билим даргоҳларида тайёрланади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида ушбу кенг қўламли ишларни янги босқичга

кўтариш, маънавиятнинг энг оммавий соҳаларидан бири бўлган музыка санъатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатда кўзда тутилган асосий мақсад ёш истеъдод соҳибларини миллий ва жаҳон музыка маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Тошкентда ана шундай санъат гунаҳлари тарбияланаётган бир неча ўқув юртли фаолият курсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузурида иқтидорли болалар учун ташкил этилган академик лицейда улларга олий ўқув юрти профессор ва доцентлари сабоқ бермоқда. Шуниси қувонарлики, лицейни битирган юздан ортиқ истеъдодли бола муסיқий таълимни давом эттирмоқда.

Санъат йўлида хизмат қилишнинг манбалари, аъналарини ва давомийлиги ҳақида гапирганда, шунини мамнуният билан айтиш жоизки, муסיқавий таълимнинг барча йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланадиган асосий маскан — Ўзбекистон Давлат консерваторияси биноси ва унда яратилган шарт-шароитлар энг юксак замонавий талабларга жавоб беради, юртимизда иқтидорли ёшларга таълим-тарбия бериш ва санъатга қанчалик катта эътибор қаратилаётганини бамисоли кўзгудек ўзида тўла намойиш этади.

Шунингдек, ёш истеъдод соҳиблари тарбиялаб келинаётган Успенский ва Глиэр номидаги республика музыка академик лицейлари каби билим масканларига алоҳида мақом беришга қарор қилинган ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир самарасидир. Бундай

махсус муסיқа таълими даргоҳларининг ўқувчилари бугун энг нуфузли танлов ва фестивалларда ўтказилган халқаро танловга галаба қозонди. Мана шу ўқув юртлиларидан бири қошидаги лицейда таълим олаётган ёш иқтидор соҳиблари жаҳондаги машҳур концерт залларида мураккаб асарларни ижро этиб, ўзбек ижрочилик мактаби ютуқларини намойиш этиди.

Сардор Турсунов ва Бобур Муҳаммаджонов скрипкачилар ва виолончелчиларнинг Парижда ўтказилган халқаро танловида галаба қозонди. Мана шу ўқув юртлиларидан бири қошидаги лицейда таълим олаётган ёш иқтидор соҳиблари жаҳондаги машҳур концерт залларида мураккаб асарларни ижро этиш ҳамда Италияга малака ошириш учун таклиф этилди.

Машҳур муסיқачи бўлиш учун ушбу санъат сирларини болаликдан кунт билан ўрганиш ва тинимсиз меҳнат қилиш зарур. Санъат, саҳна ва артистлик касбини танлаган кўчилик санъаткорлар томошабинлар олқишига сазовор бўлишни орзу қилади. Бугунги кунда пианиночи, скрипкачи, виолончелчиларимиз энг нуфузли фестивал ва кўрикларда муваффақиятли қатнашмоқда. Бу борада болалар ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, муסיқа соҳасида юқори чўққиларни забт этмоқда.

Беҳзод Абдураимов ёшлигидан маҳоратли муסיқачилар билан бирга концертларда қатнашиб, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрига дирижёрлик қилди. Ёш скрипкачи, халқаро танлов лауреати Дмитрий Исаков ҳам маҳоратли ижрочи сифатида тингловчилар эътиборини қозонган. Бундай ёш истеъдод соҳибларининг санъат оламида катта муваффақиятга эришаётгани келажақда улар ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишади ҳамда жонажон Ўзбекистонимиз довуруғини бутун дунёга тараннум этади, дейишга асос беради. Юртбошимизнинг ушбу фармойиши ва 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинган ҳам айна шу мақсадларга қаратилган.

Лилия СТРУННИКОВА, ЎЗА шарҳловчиси



СЕҲРЛИ САНЪАТ ОЛАМИГА ЙЎЛ



ЁШЛАР ЙИЛИГА ОИД ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ «АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪЙАТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР» МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ш.Фулмонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ҳўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-

латаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси ўринбосари И.Саифназаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари устувор бўлган кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти кат-

та эканини таъкидладилар. Юртимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни тезкор ва ҳолис ахборот билан таъминлаш, журналист кадрларининг эркин, самарали ижод қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Конференцияда 2008 йил — Ёшлар йилида кучли ижтимоий сиёсатнинг узвий қисми бўлган ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни кенг ва атрофлича ёритиш, журналистларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2007 йилда ўтказилган кўрик-танловлар, ижодий бellowлар ғолибларига дипломлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ИШГА АМАРҲАМАТ!

ЮРТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ТАРЗДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТЛИ, ЧИН МАЪНОДА ВАТАНПАРВАР ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА ҲАМ ЁШЛАРГА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ИХТИСОСЛИК МАЛАКАЛАРИНИ БЕРИШНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ ҲОЗИРГИ КУННИНГ ДОЛЗАР ВАЗИФАЛАРИДАН ЭКАНЛИГИ ТАЪКИДЛАНГАН. ТОШКЕНТ МЕНЕЖМЕНТ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР КОЛЛЕЖИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШГАНИМИЗДА ҲАМ УШБУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИНИНГ ШОҲИДИ БЎЛДИК.

Ёшлар — келажакимиз

АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР БЕРИЛМОҚДА

— Ёшларга билим бериш, — дейди ўқув маскани директори Зиёдулла Эрматов, — уларни мамлакатимиз келажакини бунёд этувчи, унинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ворислар қилиб воёга етказиш бевосита ва билвосита мураббий — ўқитувчилар зиммасига юксак вазифалар юклайди. Шундай экан, ўқитувчи ўз билими, касб маҳоратини ошириб бориши, таълим-тарбиянинг илгор усулларини билиши ҳамда ўз устида тинимсиз ишлаши лозимдирки, бу давр талаби.

2007 йилда коллеж мақомини олган таълим масканимизда ҳозирда 734 нафар ўқувчилар ўзбек ва рус тилларида тахсил олишмоқда. 4 та: ошпаз-қандолатпаз-нонвой; менежер; бухгалтерлик ҳисоби ҳамда сотувчи йўналишларида уларнинг яхши билим олишлари, касбларини чуқур ўрганишлари ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун 660 ўринли ўқув биносида барча шарт-шароитлар маъжуд. 26 та махсус жиҳозланган аудиториялар, лабораториялар, Маънавият ва маърифат хонаси, 11 мингтадан ортиқ адабиётга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, кенг, ёруғ қиратхона, тўла жиҳозланган спорт зали, очик спорт майдонлари, буфет ўқувчилар ихтиёрида.

Тахсил олишнинг замонавий, самарали йўллари қўлла-

ган ҳолда, ўқувчиларимизнинг дарсларда олган назарий билимларини амалиётда синаб кўриш ҳамда мустақамлаш учун коллежимизда янги технологиялар билан жиҳозланган (Хитой давлатидан келтириб ўрнатилган) пазандачилик лабораторияси маъжуд. Шунингдек, жамоамиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида (шартномага кўра) пойтахт-тимиздаги кўп-ресторан ҳамда қаҳвахоналарда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташи ва асосий-си, битирувчиларни ишга жойлаштириш ишларини олиб бормоқда. Ҳозирда масалан, битирувчиларимиздан баъзилари илгари ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаган «Зарафшон», «Наврўз», «Хосият» ресторани ҳамда «Марзали таом» қаҳвахоналарида иш фаолиятларини олиб боришмоқда.

Коллеж ўқувчиларнинг дарслардан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ўқиб-ўқувчиларнинг янада сермазмун, марокли ҳамда эсда қоларли ўтиши учун талай ишлар режалари равишда амалга оширилмоқда. Айниқса, спорт секциялари, касблар бўйича тўғараклар фаолияти маъмуриятнинг диққат-марказида. Билимга чанқок, зукко, қизиқувчан ўқувчилар ўқиб йил давомида коллеж, туман, шаҳар миқёсидаги танлов, кўрик, олимпиадалар, турли тадбир-

ларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Этиборли томони, бизда ўтказиладиган тадбирлар Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Вазира Содикова раҳбарлиги остида ташкиллаштирилади ҳамда улар шахримиз мактаблари битирувчиларнинг коллежимизда ўзлари истаган мутахассисликдан тахсил олиб келгуси ҳаёт йўллариини давом эттиришларига қаратилган. Масалан, ўқув йили мобайнида ўқувчиларимизнинг кўргазмалари чикшилари ҳисобланган «Касблар фестивали», «Очк эшиклар кўни», «Касбим-фаҳрим» каби тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади.

Ҳозирда коллежимизда 31 нафар (улардан кўпчилиги олий тоифали) касбига алоҳида меҳр кўйган педагог-ўқитувчилик жамоаси меҳнат қилмоқда. Бизда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, педагог-кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда уларнинг малакаларини доимий ошириб бериш масалалари давр талабига мувофиқ амалга оширилмоқда. Хусусан, Турғун Қодиров, Барно Саламова, Дилдора Сайдалиева, Тамара Хуликова сингари кўп йиллик иш ва ҳаёт тажрибаларига эга бўлган ўқитувчилар қаторида хали жуда ёш, лекин ғайратли, касбига меҳр-муҳаббати сезилиб турган Сурайё Рашидова, Махсуда Аҳадова, Раҳима Қаюмова ҳамда Холита Иброҳимовалардан умидимиз катта...

МУХАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Менежмент ва технологиялар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Кейинги йилларда қайси маҳаллада бўлманг, тинчлик-тотувлик масканида олиб борилаётган ишлар кўламини дилингизни яйратади. Хайрли мақсадлар кўзланиб, аниқ режалар асосида Ёшларимизнинг ЭТИҚОДЛИ, СОҒЛОМ ҳамда БАРКАМОЛ бўлиб воёга етишлари, илм-ҳунарли, бирон касб-корли бўлишлари, доимий банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш йўлидаги САМАРАЛИ САЪ-ХАРАКАТЛАРИНИНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИНИ ЎЗ КЎЗИМИЗ БИЛАН КЎРИБ ТУРИБИМИЗ.



Маҳалланг — ота-онанг

ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ

Биргина мисол келтирадиган бўлсак, «Миришкор» маҳалласида аёллар, қизларга хунар ўргатиш ва иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда мазкур маҳалладаги ўқув марказида 15 нафар хотин-қизлар хунар ўрганишмоқда. Яхши жиҳозланган марказда зардўлик ва гилам тўқишни ўрганиш борасида барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўз ишининг усталари бўлган гилам тўқувчи Насила Бобоевора ҳамда зардўзи хунарманд Алия Темирбековалар

қизиқувчи ёшларга хунарларининг сир-асрорларини эринмай, кунт билан ўргатишмоқда.

— Меҳнат инсонни улуглайди, дейди халқимиз, — дея гап бошлади Алия она. — Хунари гўзалроқ эса халқ орасида алоҳида ҳурмат-эҳтиромга лойиқ ҳисобланишган. Ёшларимизни гўзалликка ошно қилиш билан бирга, иш жараёнида уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда аждоғларимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумшарий қадриятларига асосланган суҳбатлар ўтказамиз.

Айниқса жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши барчамизни қувонтирди. Ишонимизки, она Ватанимизнинг мустақам пойдевори, келажакимизнинг ишончли қалқони бўлган Ёшлар йилида маҳаллаларимизда бу борада янада залворли қадамлар қўйилади.

МУКАДДАС УМАРБЕКОВА
СУРАТЛАРДА: «Миришкор» маҳалласида ташкил этилган ўқув маркази ҳаётидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар



Сўраган эдингиз

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАРДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?

Қайси тоифадаги фуқаролар ишга жойлашаётганда қўшимча имтиёзлардан фойдаланишлари мумкинлиги қонунларимизда қандай белгиланганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жасур Мирзаев, Сергели тумани
Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, яъни ногиронлар, 14 ёшга етмаган ёхуд ногирон болалари бўлган ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналарга, таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга, Куролли Кучлар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фа-

Бандлик

УЮШҚОҚЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БАРЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ 11 ТА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. БУГУН БИЗ БИЛАН СУҲБАТДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ КЕНЖА — БЕКТЕМИР ТУМАНИ БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗИ РАҲБАРИ АБДУСАТОР ИБРАГИМОВ ЖАМОАНИНГ ЎТГАН ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛГА БЕЛГИЛАНГАН ИШ РЕЖАЛАРИ ХУСУСИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ.

— Туманимизда 12 та маҳалла маъжуд бўлиб, биз уларнинг оқсоқоллари, фаоллари билан доимий ҳамкорликда фаолият юритамиз. Шунингдек, тумандаги корхона, ташкилот, муассаса, бошқармалар билан мустақам алоқадарлик. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган 2007 йилда марказимизга жами 990 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этишган. Улардан 897 нафари ишга жойлаштирилди. Этиборли томони, иш жойига эга бўлганлардан 443 нафарини аёллар ҳамда 368 нафарини ёшлар ташкил этади.

Режага кўра марказимиз томонидан ўтган йилда бошқармаларга қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 119 нафар фуқаролар юборилиши керак бўлса, туманимиз аҳолисидан 120 нафари ўзлари хоҳлаган касб-хунарга ўқитилди. Уларнинг 106 нафари аёллардир. Ушбу ўқув марказига, айтиш кераки, биз ҳисобчи, компьютер оператори, менежер, тикувчи, сартарош, ошпаз, қандолатчи, электрпайвандчи каби касбларга ўқишга юборилган бўлсак, фуқароларимиз орасида касбини ўзгартириш ёхуд малакасини ошириш истагида бўлганлар кўпчиликини ташкил этади...

Мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиётимиз ривожининг асослари ҳисобланмиш кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик равнақига катта этибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар сафи кенгайиб, уларнинг янги маҳсулот тайёрлашдаги ҳиссалари ошмоқда. Шунинг баробарида кенг қўламдаги сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб ички бозоримиз тўлдирляпти, жаҳон андозалари даражасидаги хизматлар йўлга қўйилмоқда. Айниқса, доимий банд бўлмаган фуқароларни иш ўринлари билан таъминлашда тадбиркорларимизнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, вақтинча ишламаётган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида айрим фуқароларга ишсизлик мақоми берилди, баъзиларга қарилмак нафақаси тайинланди, фуқаролар жамоат ишларига юборилди. Туманимизда янги иш жойлари яратилиши, хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик корхона, фирмалар ташкил этилиши ҳисобига савдо, умумий оватланиш, маиший хизмат, қурилиш, sanoat, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам фуқароларимизга иш ўринлари тавсия этилди.

Хар бир ишга масъулият билан ёндашилса, қутилган натижага эришиш мумкин. Давр талабини тўғри англаган жамоамиз ахли ҳам жорий йилни янада фаол, янги ғайрат-шижоат билан бошлаган. Келгуси истиқбол режаларимизни қатъийлик билан амалга оширишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилма. Аҳолига таянч, мададкор бўлишга астойдил бел болаганмиз.

МУЯССАР АБДУРАСУЛОВА

ҳолатда маъмурият қандай чора кўриши хусусида маълумот беришингизни сўраймиз.

Малика Шамсутдинова ва Сайёра Илхомова, Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига мувофиқ, ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиш муносабати билан иш бевучи томонидан ҳодимнинг унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилади. Бундай вазиятда ҳодимнинг соғлиғига аҳамият берилиши шарт. Агар тиббий ҳулосага кўра бу иш унинг соғлиғига тўғри келмаса, бошқа иш берилиши керак. Бу даврда ҳодимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда маош тўланади.

Агар ҳодим бекор туриб қолганида иш бевучи уни иш билан таъминламаса, унга барча бекор турган вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда ҳодим бекор туриб қолганда иш бевучи уни иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқишга ундайди ёки бир гуруҳ ҳодимларга буйруқ билан таътил берилади. Эдингизда тўтинг: маъмуриятнинг бундай йўл тутishi қонунга хилофдир.

«Political Events»:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИСЛОМ КАРИМОВ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

ҲИНДИСТОНДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «POLITICAL EVENTS» ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ИЛК СОНИДА УШБУ САРЛАВҲА ОСТИДА САЛМОҚЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УНИНГ МУАЛЛИФИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҲИНДИСТОННИНГ ЕТАКЧИ СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАРИДАН БИРИ М.К.Д.ХАРДИР.

«Political Events» журнали Ҳиндистоннинг расмий, ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари учун жаҳонда рўй бераётган сиёсий жараёнлар тўғрисида таҳлилий мақолаларни эълон қилишга ихтисослашган. Мақолада таъкидланишича, Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Президенти лавозимига қайта сайланишида қўллаб-қувватловчилар асосини барча ёшдаги, ижтимоий ва этник гуруҳ вакиллари ташкил этса-да, мамлакат ёшлари бу галабанинг бош меъёри бўлди».

Журналда қайд этилганидек, сайловчиларнинг юқори даражадаги иштироки мамлакатни демократия йўлида янада ривожлантириш ва модернизация қилиш — бу ўзларининг қабул қилаётган қарорларига боғлиқ эканини англаб етган Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий шуури юксалганини намоян қилмоқда. Мақолада шунингдек, дунёнинг 30 мамлакатидан ҳамда МДҲ, ШҲТ, ЕврАзЭС ва бошқа халқаро ташкилотлардан ташриф буюрган 264 нафар кузатувчи сайлов жараёнларини бевосита кузатгани ва унинг тўла қонуний ўтганига ишонч ҳосил қилгани зикр этилган.

Сайлов натижалари Президент Ислам Каримов халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатди, бинобарин у мустақиллик йилларида мамлакат аҳлининг тез ва яхлит иқтисодий ривожланишига асосланган муносиб турмуш тарзини таъминлаб берди. Ташкил этилган кўп сонли янги иш ўринлари, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, бунёд этилаётган ҳашаматли бинолар, мактаб, шифохона ва савдо мажмуаларида ислохотлар натижаси яққол кўзга ташланмади.

Ўзбекистон — Марказий Осиёда энг кўп нуфусга эга бўлган мамлакатдир ва аҳолисининг аксариятини мусулмонлар ташкил этади. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон барча дин ва миллатларга бирдай ҳурмат билан муносабатда бўлувчи дунёвий давлат бўлиб қолишини қафолатлаган.

Мамлакат ривожининг дастлабки босқичларида Президент Ислам Каримов миллий хавфсизлик ва сиёсий ўйғунлик жамият демократик тараққийотининг шартлари эканини қатъий таъкидлаган эди. Ўтган президентлик сайловида И.Каримов турли партия ва гуруҳлар вакиллари бўлган уч нафар бошқа номзод билан рақобатлашди. Уларнинг барчаси ўз дастурларини матбуот ва телевидение орқали халққа етказиш ҳамда сайловолди кампанияси жараёнида эриштишга тенг имкониятларга эга бўлишди. Ўзбекистонда демократия жадал суръатларда ривожланмоқда. Одамлар ҳар қандай аралашулардан холи бўлган ўз овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланиш борасида мислсиз шижоати намойиш этишди. Сайлов очик ва ошкора тарзда ўтди. Унда сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёди иштирок этгани бундан далолат беради.

Мамлакат учун масъулиятни ўз зиммасига олар экан, Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг илк йилларида ўз сайё-ҳаракатларини издан чиққан иқтисодиётни жонлантириш ва узи текзорлик билан тиклашга йўналтирди. У мазкур ишларни давлат секторининг катта қисмини ислох қилиш ва юрт тараққиётида хусусий тадбиркорлар иштирокини рағбатлантириш орқали амалга оширишга муваффақ бўлди. У шунингдек, хориж сармоядорларини фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва нефть қазиб чиқариш саноатини ривожлантириш борасида кенг иштирок этишга тақлиф этди. Қўлга киритилган натижалар эътиборга моликдир. Иқтисодиёт йиллик 7 фоизга тенг бўлган барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Ўзбекистон ўзини нефть маҳсулотлари ва табиий газ билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилувчи давлатга айланди. Шунингдек, республика кўши мамлакатларга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ҳам етказиб бермоқда.

Давлат даромадларининг ўсиши барча соҳалар учун фойдали натижаларни берди. Хусусан, давлат хизматчиларининг ойлик маоши ҳар йили оширилмоқда, соғлиқни сақлаш тармоғи бутун мамлакатни камраб олди ва деярли ҳар бир қиллоқда мактаб маъжуд. Барча мактаб бинолари қайта таъмирланмоқда ва уларни кенгайтириш ҳамда замонавийлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда.

Навқирон мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда бугунги кунда 18 ёшгача бўлган 10 миллион 400 минг нафар ёшлар истиқомат қилади ва улар аҳолининг 40 фоизга яқинини ташкил этади. 30 ёшгача бўлганлар сони эса 17 миллион киши бўлиб, бу аҳолининг 64 фоизи демакдир. Бинобарин, бу ерда аҳолининг ушбу катта қисми билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи маъжуд. Айрим туманларда ўз овоз бериш ҳуқуқидан илк бора фойдаланган 18 дан 21 ёшгача бўлган сайловчилар электроннинг 40 фоизини ташкил қилди. Берилган овозларни ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, улар Ислам Каримов ва унинг ёшлар учун порлок келажакни таъминлаш борасидаги сайё-ҳаракатлари учун овоз берган. Ўтган даврда мамлакатни саноатлаштириш натижасида беш миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, инфратузилмалар сезиларли даражада кенгайди, ҳар бир қиллоқда электр энергияси ва тоза ичимлик суви етиб борди. И.Каримов аҳолининг барча қатламлари билан ўзи режалаштираётган ишларни таништириши баробарида уларнинг тегишли ижросини шахсан назорат қилапти ва қафолатламоқда. Жорий 2008 йилда миллий бюджетнинг 54,6 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди», — дея қайд этилади мақола якунида.

«Жаҳон» АА
Дехли

